



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 йил – ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2021 йил 29 декабрь, № 279 (8059)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДХ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 декабрь куни Россия Президенти Владимир Путин ташаббуси билан Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.



Саммитда Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳам иштирок этди.

Учрашувда жорий йилги ҳамкорлик якунлари сарҳисоб қилиниб, келгуси 2022 йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва эпидемиологик хавфсизликни таъминлашда яқин ҳамкорликни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

МДХни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари асосий эътиборни учта: сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликка қаратишни таклиф этди. МДХ маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва транспорт боғлиқлигини мустақамлаш муҳим экани таъкидланди.

Иштирокчиларнинг эътибори глобал иқлим кун тартибини ҳисобга олган ҳолда барқарор "яшил" тараққиётга қаратилган миллий дастур

ва стратегияларни амалга ошириш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигига қаратилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини мамлакатларимиз иқтисодийларининг рақобатли устуликлари ва бир-бирини тўлдириб туришидан фойдаланган ҳолда таъминлаш масалаларини ҳал қилишга доир янги ёндашувлар ишлаб чиқиш долзарб экани қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштирокини фаоллаштирди. Мамлакатимиз 40 дан зиёд кўп томонлама битимни имзолади ва ташкилотнинг 23 та органига қўшилди. Ўтган йилда Ўзбекистон илк бор МДХга раислик қилди.

2021 йилда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан товар айирбошлаши ўттиз фоиздан зиёдга ошди, қарийб мингта қўшма корхона ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Ўзбекистон МДХ доирасида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришнинг қатъий тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади ҳамда саммит иштирокчилари ва улар орқали биродар халқларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриқлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Санкт-Петербург шаҳрига амалий ташрифи якунланди, давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Таҳлил

СЕНАТ ТАШАББУСИГА КўРА ЎТКАЗИЛГАН КўРИК-ТАНЛОВЛАР

гендер тенглик, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг истеъдодини тўла рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни янги bosқичга кўтаришга хизмат қилади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бошқа йўналишларда бўлгани каби хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўз салоҳиятини тўла юзага чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш ва шу орқали опа-сингилларимизнинг ислохотлар жараёнидаги фаоллигини янада кучайтириш ҳамда аёллар тадбиркорлигини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Табиатан ишбилармон ва тежамкор хотин-қизлар нафақат тадбиркорликда, балки сиёсат, давлат бошқаруви ва умуман, барча жабҳада эркаклардан қолишмаслигини аллақачон исботлаб бўлган. Буни дунёнинг ривожланган давлатлари ва юртимиз мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳўш, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимиз қандай самара берапти? Бу саволга жавоб беришдан олдин давлатимиз раҳбарининг Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан бир иқтисоби келтирмоқчимиз. Унда шундай дейлади: "Ҳозирги вақтда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган аёллари-

миз барча ислохотларимизда фаол иштирок этмоқдалар". Айни чоғда опа-сингилларимизнинг қанчалик фаоллигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Маълумотларга кўра бугунги кунда бошқарув лавозимларидаги шахслар ва тадбиркорларнинг учдан бир қисми аёллардир. Бу борадаги кўрсаткич сиёсий партияларда 44, Қонунчилик палатасида 32, Сенатда 25 ва маҳаллий Кенгашиларда 31 фоизни ташкил этиши ҳам катта ютуқларимиздан саналади. Шу каби натижаларнинг халқаро эътирофи сифатида Ўзбекистон охириги икки йилда "Сиёсатдаги аёллар" жаҳон рейтингиде дунё парламентлари орасида 130-ўриндан 45-ўринга кўтарилиб, Top-50 талиқдан жой олганини катта мамнуният билан келтириш мумкин.

Бу жараёнларда барча давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида Олий Мажлис Сенати ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, парламентимиз юқори палатаси ташаббуси билан Гендер тенгликни таъминлаш комиссияси томонидан ташкил этилган ҳамда кунга кеча тақдирлаш маросими юқори савияда ўтказилган "Йил аёли", "Гендер тенглик фаоли", "Нафосат" миллий кўрик-танловларини келтириб ўтиш ўринлидир.

Хушxabар

НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ ШАХМАТ БўЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Польшанинг Варшава шаҳрида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов рапид йўналишида голибликка эришди.

17 ёшли шахматчимиз мусобақа давомида амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсен (Норвегия), кучли гроссмейстерлар саналган Фабиано Каруана (АҚШ), Левон Аронян (Арманистон), Радослав Войташек (Польша), Борис Гельфанд (Исроил)ни мағлуб

этди. Ян Непомняший, Александр Гришук, Владимир Федосеев (Россия), Гукеш Доммаражу (Хиндистон), Ян-Кшиштоф Дуда (Польша) билан дуранг ўйнади.

13 та партиядан сўнг Нодирбек Ян Непомняший, Магнус Карлсен ва

Фабиано Каруана билан бир хил — 9,5 очко тўлади. Қўшимча натижаларга кўра, голиб Абдусатторов ва Непомняший ўртасидаги тай-брекда аниқланадиган бўлди. Хал қилувчи баҳсда юртдошимиз галаба қозониб, жаҳон чемпионга айланди.

29-30 декабрь кунлари жаҳон чемпионати доирасида блиц йўналишида баҳслар бўлиб ўтади.



«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Юрт тараққиёти, жамият ривожини қонун устуворлиги билан кафолатланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ислохотларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга оид бир қатор масалалар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди ҳамда қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди.



ЕР АЖРАТИШДАГИ ШАФФОФЛИК, ЭКИН МАЙДОНЛАРИ МОНИТОРИНГИ

Қишлоқ хўжалигида рақамлаштиришга қай даражада эътибор қаратилмоқда?

Ўтган ҳафтада Президентимиз иштирокида икки тадбир — ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантириш, соҳага рақамли ахборот технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан йиғилиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдимот

Нимага бу тадбирларни эслаяпмиз? Чунки қуйида тафсилотини келтирмоқчи бўлган матбуот анжуманида келтирилган фикрлар айнан ўша тадбирларга боғлиқ. Гап шундаки, 21 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилишда ерни асраб-авайлаш,

уни бошқариш, ундан самарали фойдаланиш, ер ажратишда замонавий услулари қўллаш ишлари таҳлил этилиб, танқидий фикрлар билдирилган бўлса, 24 декабрдаги тақдиротда ахборот технологиялари ҳар қандай соҳада қулайлик яратиши қайд этилган эди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги "Ер ҳисоби ва

давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони ер муносабатларини тартибга солишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузурида Кадастр агентлиги ташкил этилди. Давлат кадастрлари объектларини хатловдан ўтказиш ва Миллий геоахборот тизимига киритиш вазифалари белгилаб берилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор қишлоқ хўжалиги ерлари хатловдан ўтказилишга киришилди.

Ерларнинг электрон хариталари яратилди. Илгари ҳисобга олинмаган кўчмас мулклар кадастр базасига киритилди. Қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётган ҳолатлар аниқланди.

Экин майдонларининг тоифасини аниқлаш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Буларнинг ечими эса, аввало, ернинг ҳисобини олишда, экинларни тўғри жойлаштириш ва ердан тўғри фойдаланишда. Бу ишларни тўғри ташкил қилишда эса рақамлаштиришнинг аҳамияти жуда катта.



Муносабат

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Охириги беш йилда олий таълим йўналишида амалга оширилган камрови кенг ислохотлар бугун қандай самара бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Аввало, янги университет ва институтлар ҳамда ривожланган давлатлар олий ўқув юртлири филиаллари очилиб, халқимизнинг олий таълим олиш имконияти бир неча бараварга

ошганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўз навбатида, ҳар бир олий ўқув юрти замон талаблари асосида ривожлантирилиши ҳисобига уларда таълим сифати сезиларли даражада яхшиланди. Аммо бугунги теzkор ва шиддатли замонда шуларнинг ўзи билан қаноатланиб қолиш сира мумкин эмас.



СЕНАТ ТАШАББУСИГА КЎРА ЎТКАЗИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВЛАР

гендер тенглик, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг истеъдодини тўла рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади

Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталсак, бу танловлардан кўзланган мақсад янада ойдинлашади. Дастлаб "Йил аёли" танлови ҳақида.



Сал илгарироқ айтиб ўтилганидек, бу кўрик Сенат ташаббуси билан жорий йилда Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши, парламент юқори палатаси Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсади жағмарамиси томонидан ташкил этилган эди. Бу орқали ватанимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган юксак маънавиятли, оила ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлаётган, ўзи фаолият олиб бораётган тизим нуфузини оширишда жонбозлик кўрсатаётган опа-сингилларимизни кўллаб-қувватлаш, уларни жамоатчиликка яқиндан таништириш ҳамда илгор иш тажрибасини омма-лаштириш ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсад қилинган бўлиб, уни ўтказиш жараёнида бунга тўлиғича эришдик, десак, муболага эмас.

Кўриқнинг барча босқичида 25 ёшдан 55 ёшга булган, ўз йўналишида камиди 5 йил давомида ўз-ўзидан шуғулланиб келаётган хотин-қизлар ва уй бекалари иштирок этди. Фойдаларни аниқлашда уларнинг фаолияти, хорижий тилларни ўзлаштириш даражаси, жамиятдаги ўрни, фаолияти, бугунги ислохотлардан хабардорлиги ва уларни амалиётда қўллаш олиши, умуман, ташаббусдорлигига алоҳида урғу қаратилди. Бизни ҳаммасидан кўпроқ қувонтирадигани шуки, кўрик-танлов асосида ҳақиқий маънода ўз касби фидойиси, жамоасида ҳам, оилада ҳам катта мавқега ҳамда етакчилик қобилиятига эга, ташаббусдор опа-сингилларимизни кашф этдик.

Масалан, кўриқнинг Гран-присини қўлга киритган Кегейли туманидаги "Орзу" фермер ҳўжалиги раиси Паллада Салиевани олиб кўрайлик. У ҳақиқатдан ташаббусдор ва интилувчан аёл. Дастлаб оддий фермер ҳўжалигини очган бу аёл тезда уни кўп тармоқли фермер ҳўжалигига айлантирди. Бугунги кунда у фақат уюшма эмас, балки тайёр маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаряпти. Шу билан чекланмаган фермер маҳсулотларини четта чиқариш ҳаракатида. Бу борда дастлабки келишувга ҳам эришган, яъни келаси йилдан бошлаб маҳсулотларини Россияга чиқаради.

Ушбу танловда совриндор бўлган бошқа иштирокчилар ҳақида ҳам шундай илқ гапларни айтиш мумкин. Чунки уларнинг барчаси ўз соҳаси бўйича пешқадам ҳисобланади. Масалан, биринчи ўринга муносиб кўрилган Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-Оториноларингология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, доцент Маҳзуна Насриддинова халқаро грантлар соҳиби, халқаро тажриба асосида янги педагогик технология, интерфаол усулларни моҳирона қўллаб келмоқда. Ёки иккинчи ўринни олган Бухоро вилоятининг Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошляғи ўринбосари — хотин-қизлар масалалари бўйича бўлими бошляғи, самбо бўйича Осие чемпиони, подполковник Дилфуза Шаропова 433 нафар аёлни иш билан танинлашга, 258 нафар хотин-қизнинг муолажа олишига ҳамда 409 нафар опа-сингилларимизнинг тадбиркорлигини йўлга қўйишида кўмаклашган.

"Гендер тенглик фаоли" миллий танлови Сенат Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги қарорига мувофиқ, парламент юқори палатаси Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган бўлиб, бундан кўзланган мақ-

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Махлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси.

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ



Рекламага қўйиладиган талабларни бузганлик учун жазо чоралари белгиламоқда

Қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган мажлисда халқ вакиллари дастлаб кўпдан бўён кенг жамоатчилик эътиборида бўлган "Реклама тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳасида бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Унга кўра, қонун реклама тайёрланган жойдан қатъи назар, агар назарда тутилган соҳасидаги барча муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши белгиламоқда.

Мазкур ҳужжатда рекламанинг айланishi соҳасида Вазирлар Маҳамаси, Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (реклама соҳасидаги ваколатли давлат органи), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аниқ ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кўчайтириш, реклама соҳасида жамоат назорати самарадорлигини ошириш, соҳанинг ўзини ўзи тартибга солиш тизимини ривожлантириш мақсадида рекламага оид фаолият субъектларининг бирлашмалари (нодавлат нотижорат ташкилотлари)га рекламага оид фаолиятини ривожлантиришга қаратилган аниқ ваколатлар берилмапти.


Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама этилди ва бахсли бўлган айрим моддаларга тақлифлар берилди. Билдирилган тақлифлар инobatта олинган ҳолда, қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ичимлик суви исроф қилинишининг олди олинади

"Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан соҳани барқарор ривожлантириш, хизматлар сифатини оширишга мўлжалланган таъсирчан ҳуқуқий асос яратилмоқда. Энг муҳими, сув таъминоти ташкилотлари фаолиятига интизомини янада қўчайтириш орқали носозликлар оқибатида ичимлик суви исроф қилинишининг олдини олиш чоралари кўриляпти.

Шунингдек, истеъмолчилар томонидан ичимлик ва оқова сув қувурларига ноқонуний уланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар натижадорлиги оширилган ҳолда, истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида очик



Нобанк кредит ташкилотлари янада ривожланади

Мажлисда "Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар ва мутахассислар билдирган фикр ҳамда тақлифлар ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилиб, лойиҳага тегишли ўзгариш ва қўшимчалар, бир қатор таҳририй тузатишлар киритилди.

Хусусан, "исломий молия хизматлари" тушунчасига аниқлик киритилди. Бунда стандартлар, жумладан, исломий молиялаштиришни амалга ошириш қоидалари ва принциплари Ислом молия институти учун бўлган халқаро ҳисоби ва аудит ташкилоти ҳамда Исломий молия хизматлари кенгаши томонидан белгиланади. Марказий банк исломий молиялаш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидалари асосида исломий хизматлар кўрсатиш тартибини ишлаб чиқади.

Шунингдек, нобанк кредит ташкилотларига қўйилган юридик шахсларни ташкил этиш ва юридик шахсларнинг улшлари (акциялари)ни сотиб олиш мақсадида олиб ташланди. Молиявий ресурслар жалб қилишга пруденциал назорат нуктаи назаридан қўйилган чеклов ҳам чиқарилди.

Асосий ўзгаришлардан яна бири — микроолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бобига янги моддалар киритилмапти.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳисоб-китоб операциялари хатари минималлаштирилади

"Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасида бўлди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистоннинг капитал бозорига эмиссия қилинган қимматли қоғозлар савдо натижалари бўйича амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар (қимматли қоғозларда ва пул маблағларида) битта ташкилот доирасида амалга оширилади, ин-

весторлар учун шароитлар яратилади. Шунингдек, хорижий марказий депозитарийлар ва халқаро ҳисоб-китоб депозитарийлари билан Ўзбекистоннинг капитал бозори иштирокчиларининг ҳисоб-китоб операциялари бўйича тўғридан-тўғри алоқаси ўрнатилади.

Шу билан бирга, лойиҳа билан акциядорлик жамиятлари томонидан тўланадиган дивидендларни қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси орқали ўтказиш амалиёти жорий қилинади, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, капитал бозорига эмиссия қилинган қимматли қоғозлар савдо натижалари бўйича амалга оширилаётган ҳисоб-китоб операциялари хатари минималлаштирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Кимлар давлат фуқаролик хизматида қабул қилинмайди?

Мажлисда биринчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларидан бири — "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

У билан давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш ва тегишли субъектларнинг ваколатлари, давлат фуқаролик хизматчисининг мақоми, одоб-ахлоқ қоидалари, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгиламоқда.

Қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизматидаги қирш, уни ўташ ва туғатишининг ягона қоидаларини жорий этиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатда шунингдек, биринчи марта давлат фуқаролик хизматчиларининг мақоми институти жорий этиляпти.

Шу билан бирга, лойиҳада давлат хизматчиларининг даромади ва мол-мулкни декларациялаш, коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар давлат фуқаролик хизматида қабул қилинмаслиги каби нормалар ўз аксини топмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши давлат фуқаролик хизмати билан боғлиқ муносабатларни қонун билан тартибга солишга, давлат фуқаролик хизматчисининг мақоми, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Жабрланганларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади

"Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қўшимчалар киритишни назарда тутди. У билан Кодекс-

нинг терговга қадр текширувчи амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлигини белгиловчи 991-моддасига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриinsonий ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик киритилаётди.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи қисмига, яъни маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши бўлган ҳолатларга қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриinsonий ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жинорий натижасида етказилган зарарни ҳам киритиш тақлиф этилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар томонидан берилган тақлифлар инobatта олинган ҳолда, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичларга эга товарларни ишлаб чиқаришга чек қўйилади

Депутатлар "МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишининг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, 2021 йил 28 май куни Минск шаҳрида МДҲ Ҳукуматлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишининг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битим имзоланган.

Битимнинг асосий мақсади — адаштириб юбориш даражасида бир хил бўлган товар белгилари ҳамда географик кўрсаткичларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда оғохлантириш, МДҲ иштирокчи-давлатлари чегараларида бу каби товарларнинг ҳаракатланишининг олдини олиш бўйича томонларнинг ҳамкорлик қилишига керакли шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мазкур ҳужжатнинг ратификация қилиниши МДҲ давлатларининг ваколатли давлат органлари ўртасида ҳамкорлигини йўлга қўйиш, сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичларга эга товарларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, олиб кириш ва олиб ўтиш жараёнларининг олдини олиш ҳамда аниқлаш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ҚОРАҚҮЛДА ИТ-КЛАСТЕР БАРПО ЭТИЛАДИ

Аниқ фанлар, хусусан, математика бўйича салоҳиятли ўғил-қизлар етишиб чиқаётган Қорақўл туманида ИТ-кластер барпо этилади.

Таълим

Лойиҳага мувофиқ, Қорақўл халқаро математика мактаби эски биноси ҳудудда 8 миллиард сўм миқдоридида маблаг эвазига ИТ-Инкубация маркази қад рост-лайди. Тумандаги 8-умумтаълим мактаби негизида ИТ-мактаб очил кўзда тутилган. ИТ-университет эса майдонни салкам тўрт гектарни ташкил этувчи Қорақўл академик

дайд дейишимизнинг боиси бор: ҳозир Қорақўл халқаро математика мактабининг ўзида мамлакатимизнинг турли гушаларида келиб таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг уч-ратилиши мумкин.

2022 йилда қурилиши бошланиши кутулаётган Қорақўл ИТ-кластерини барпо этишга Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Инновацион ривожланиш вазирликлари томонидан жами 80,5 миллиард сўм миқдоридида сармага йўналтирилади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Президентимизнинг шу йил 24 декабрь куни қабул қилинган "Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шу мақсадга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга молик. Бу ҳужжат номида ҳам кўриниб турибдики, ундан кўзланган мақсад бир қатор давлат олий ўқув юртраги молиявий мустақиллик беришдан иборат. Зеро, ҳар бир муассаса шу имкониятга эга бўлсагина янада дадил ҳаракат қила олади ҳамда биз кутгандек ривожланиш босқичига кўтарилади.

Мазкур ҳужжатга кўра, мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасалари 2022 йил 1 январдан бошлаб қатор масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлади. Таълим хизматлари бозоридидаги талабни инobatта олган ҳолда, тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ва тўлаш муддатини белгилаш ва узайтириш, таълим жараёнига илгор педагогик технологияларни қўллаш оладиган, илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ва хориждан профессор-ўқитувчи ҳамда мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш, чет эллик юқори малакали мутахассислар таълимга ҳақ тўлаш миқдорини бозор талабидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш, профессор-ўқитувчилар штат бирлигини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш, ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш, хориждан ўқув ва илмий адабиёт, дарслик ва қўланмаларни тўғридан-тўғри харид қилиш, бўш бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, қарорда асосий воситаларни ижарага беришдан тушган маб-

лағнинг бир фоизи — Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бўлиналари ҳузуридаги давлат мулкчи ижара марказларига, қолган қисми эса — электрон савдо майдончаси операциялари тўланган тўлов чегириланган кейин шу олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши кўзда тутилган. Айни чоғда асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини (бундан ер, бино, иншоот, жумладан, операция бошқарувага берилган бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари мустақил) сотишдан тушган маблағлар тўлиғича муассасанинг ихтиёрида қолдирилади.

Табиийки, бундай эркинлик муайян маънода масъулият талаб этиши ўз-ўзидан аён. Шу боис ҳам қарорда молиявий назорат тадбирларини холисона ва мустақил ўтказадиган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилиши белгиланган. Қозимверса, маблагнинг сарфланиши юзасидан юқори турувчи вазирликка (идорага) ҳар чоғда ҳисобот беради. Шунга мос ҳолда Давлат бюджетидан ажратилган маблаг, харид қилинган товар ва хизматлар, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда тасарруфидаги маблағлар, моддий бойликлар ва мулкдан фойдаланиш ҳақидаги бошқа маълумотлар ўз расмий веб-сайтига мунтазам жойлаштириб борилади.

Ўз навбатида, тегишли олий таълим муассасаси раҳбарлари маблагдан оқилона ва самарали фойдаланиш, жумладан, ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва стипендия тўловларини вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширишга жавобгар бўлади.

Президент қароридида яна бир қатор янгиликлар борки, буларнинг барчаси пировард натижада давлат олий таълим муассасаларининг молиявий жиҳатдан мустақил бўлишини таъминлаш орқали уларнинг халқаро мейёр ва андозалар асосида фаолият олиб бориши учун шароит яратиб беради.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Махлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.

ЕР АЖРАТИШДАГИ ШАФФОФЛИК, ЭКИН МАЙДОНЛАРИ МОНИТОРИНГИ

Қишлоқ хўжалигида рақамлаштиришга қай даражада эътибор қаратилмоқда?



Кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида аграр соҳани рақамлаштиришга бағишланган тадбирда айни шу масалалар хусусида сўз юритилиб, амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳалар, электрон хизматлар тақдимоти ўтказилди. Бу борда келгуси йилда қўлланилиши режалаштирилаётган янгиликлар тақдим қилинди.

— Бугун бугун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, шу жумладан, аграр соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Қаҳрамон Йўлдошев. — Хусусан, "Ақли қишлоқ хўжалиги" технологиясини ривожлантириш стратегияси асосида 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларга биноан, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, бош-

қарув жараёнлари мониторингини автоматлаштириш, аграр соҳада бизнес-старт лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, сув ресурсларини ҳисобга олиш йўналишларида муайян ишлар амалга ошириляпти. Бунга жадаллаштиришда вазириланинг таркибида

да Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва Аграр соҳани рақамлаштириш маркази ташкил этилгани кўл келмоқда. Бинобарин, улар томонидан бир қанча дастур ва лойиҳалар тайёрланди. Шундан бештаси жорий йил охиригача ишга туширилса, яна бир қанчаси келгуси йилда амалиётга киритилади.

Вазирлик томонидан бир неча кундан сўнг қўлланила бошланадиган дастурлардан бири — "E-IJARA" ахборот тизимидир. Билмиш, ер қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ҳар бир инсон учун муҳим ва энг зарур манба ҳисобланади. Мазкур ахборот тизими ерларни ижарага беришда материалларни тўплаш, лойиҳалар тайёрлаш ва манфаатдор томонлар билан келишиш учун мўлжалланган. 2022 йилнинг ўзида 80 минг гектардан зиёд ер "E-IJARA" тизимида алоҳида лотлар тарзида 0,10 — 1 гектардан ажратилиб, E-AUKSION тизимида очик электрон қи-

мошди савдолари орқали барча ҳужжатлари билан 10 йилга ижарага берилди. Ушбу тизим ёрдамида фермерлар бўш қишлоқ хўжалиги ерлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш бўйича ўз тақлифларини тақдим қилиши мумкин.

Вазирлиқнинг геоахборот тизими 2021 йилнинг ноябрь ойидан синов тарихида ишга туширилган. Бугунги кунда ушбу тизим тўрта вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қўйи ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Ундаги маълумотлар (тупроқ хусусиятлари, сўғориш тизимлари маъмулдари, экинлар турлари каби) олинанидиган самовий суратлар ва реал вақт режимида 200 нафар дала ишчиси томонидан тўланадиган маълумотлар ҳисобида ҳар ўн кунда кенгайтириб борилади.

Аграрсоатно мажмуасида ягона платформа тизимини эса 75 мингдан зиёд фермер ва 600 дан ортик агрокластерларни, 20 та тижорат банки ҳамда 150 дан кўпроқ давлат органларини бир жойга жалмовчи замонавий электрон майдон дейиш мумкин. Тизимда, шунингдек, реал вақт режимида электрон шартномалар тузиш имконияти яратилди. Бу ерда кунига 1 мингта савдо амалиёти ўтказилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, шу йил охиригача ишга туширилиши мўлжалланаётган Қишлоқ хўжа-


лиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини субсидиялаш ягона ахборот тизими, Импортер қилинётган қишлоқ хўжалиги техникаси ҳисоби тизими ҳам соҳа вакиллари катта қўлайликлар яратиши билан ажралиб туради.

Оддий қилиб айтганда, энди ер ажратилишда ҳеч қандай таниш-билишчилик, вазирнинг топшириғи ёки ҳоким айтиди, деган курсатмаларга йўл қўйилмайди. Унинг савдога қўйилишидан тортиб, ажратилишигача бўлган барча жараён электрон тартибда кузатиб борилади. Ва жараён очик ва шаффоф бўлади.

